

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни!



ЖАМИЯТ

№ 2 (730)
2021 йил
14 январь,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газе



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru

t.me/bonguz1



Буюк шоир ва му-
тафаккир Алишер
Навоий ҳазрат-
лари ёзганидек,
китоб беминнат
устоз, билим
ва маъна-
вий юк-
салишга
эришиш-
нинг энг
асосий ман-
баидир.



**“Ватан учун
кўксим тоғ,
қалқондир
шаъним”**

Инсон маънавиятининг кузгуси



**“Уғлимни
ҳамиша
тирик
кўраман!”**

**Янги
Ренессанс
пойдевори**

**Аслини кўриш
кўрқинчли
экан**

**“Яхши
таклиф”
қурбони**

**Бугунги авлоддан
ҳавотирдаман!**

ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
УҚИЯҒИ!

Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланди.

Янги Ренессанс пойдевори

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга мурожаатномасида Ўзбекистон халқи учун олий неъмат инсон қадр-қиммати, халқ манфаатлари, юрт фаровонлиги тўғрисида сўз юритар экан, уни жамият ривожининг асоси, бугунги ва келгуси йиллар истиқболдаги тараққиётимизнинг шартли, барча ислохотларимизнинг мезони ва ниҳоят, барчамиз амал қиладиган бош тамойил сифатида баҳамжиҳат фаолиятини, адолатли тамойилни илгари сургани билан ажралиб туради.

Янгиланаётган ислохотларда ҳар бир соҳа, тараққиётнинг ҳар бир кунги ўзига хос муаммоларга дуч келиши мумкин, лекин уларни бартараф этиш йўлидаги янги ёндашув, янги инновацион усуллар замон талаби ва халқ эҳтиёжидан англамоққа қаратилган вазифаларни белгилади.

Аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш билан бирга камбағалликни бартараф этишга қаратилган янги гоҳлар илгари сурилдики, унга кўра, эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка қўмаклашиш ва Жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади. 27 мингта эҳтиёжманд оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалини тўлаш ва кредит фойзаларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилади. Бу кўрсаткич жорий йилга нисбатан 2,5 баробар кўп. Келгуси йилдан вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилади ва 6 та ҳужжат талаб этиш бекор қилинади. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади.

Ушбу стратегик мақсадларга, ҳамма учун тенг имконият яратадиган, юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хусусий инвестицияларни кўпайтириш, тенг рақобат, бизнес муҳитини яхшилаш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, замонавий технология ва инновацияларни жорий этиш — келгуси йилда ҳам устувор вазифа бўлади.

Келгуси йилда инфляциявий таргетлаш доирасида нарх ўсишини 10 фоиздан оширмаслик асосий вазифа бўлади. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари

ошишининг олдини олиш мақсадида импорт божлари бўйича имтиёзлар мuddати 2021 йил якунига қадар узайтирилади.

2021 йилда иқтисодиёт камида 5 фоизга ўсиши, бюджет дефицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиздан ошмаслиги таъминланади. Қувонарли томони шундаки, “Фуқароларни камбағалликдан чиқаришда “мотивация, кўникма ва молиявий қўмак” тамойили жорий этилади. Бунда албатта халқнинг ўзи ҳам интилиши тўғрисида давлатимиз раҳбари. “Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил — бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак”, деган фикрни илгари сурди.

Шунингдек, маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитадиган мингдан зиёд марказлар ташкил этилиб, уларда ўқиган ҳар бир шахс учун 1 миллион сўмга субсидия берилди, бунга бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилди. Ўқув курсларини таъминлаб, бизнесини бошлаётган фуқароларга ускуналар харид қилиш учун 7 миллион сўмга субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Туманларнинг ихтисослашуви асосида деҳқончилик билан шуғулланган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилиши ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Унинг мантиқий давоми сифатида келгуси йилдан бошлаб “Ижтимоий реестр” ишга туширилиб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматларни электрон кўрсатиш имкони яратилади ва бу “темир дафтэр” билан ўз-ўзига интеграция қилиниши ҳам диққатга сазовордир. Эҳтибор берсак, миллат фаолиятининг ўзаги бўлган халқпарварлик ва адолат жамият аъзолари олдига муттасил янги-янги вазифаларни қўйиб боради. Бу эса, ҳар бир раҳбардан қатъиятлик, маъсулият, фи-

дойилик ва шижоатни талаб қилади.

Бир сўз билан айтганда, юксак маънавият эгаларининг ҳалоллигини кўрсатади. Бу эса, Ренессанс фидойиларининг бугунги шижоатидир. Чунончи, IX ва XIII асрлар ўрта Осиё тарихида Шарқ Уйғониш даври бўлиб, бу даврда дунёга машҳур Хоразмий, Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёсатчи ва тарихчи олимлар ижод этдилар. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонларидан бири дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва кўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса, табиий-фалсафий, диний, тарихий ҳамда ижтимоий ҳамда табиатшунослик каби илмларни ривожлантиришга аҳамият берилган бўлса, бу йилги Мурожаатномада ҳам табиий фанлар, айниқса физика фанининг долзарблигига алоҳида эътибор қаратилиб, 10 та президент ва 197 та ихтисослаштирилган мактаблар ишга тушиши мантиқан бир-бирини тўлдирди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлагандек: “Маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда эскича усулда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилади. Яна бир бор такрорлайман, жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим. Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарса ҳақида ўйла-маслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бериши зарур. Зеро, халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330

миллиард сўм йўналтирилади”.

Иккинчи Ренессанс даври бўлмиш теурийлар даврида Амир Темур ҳам давлат бошқарувининг демократик асосларини яратишга эришган. У мамлакат ишларини доимо кенгаши, машварат, маслаҳат, хушёрлиги мулоҳазакорлик ва эҳтиёткорлик билан амалга оширганлигини таъкидлайди. Айни пайтда, мамлакат ишларини Кенгаши асосида олиб бориш, бу аслида, фуқароларнинг ризолити ва ихтиёри демек. Ундан чиқди бундай ёндашув бевосита давлат бошқаруви тақсимотининг илк кўринишлари тўғрисидаги қарорларнинг ривожланишига замин яратган. Қувонарли томони, Янги Ренессанс асосида Ўзбекистондаги барча эзгу амалий ишлар ҳам бу икки Уйғониш даврининг мантиқий ва узвий давоми бўлмоқда.

Чунки ахлоқан гўзал, маънан юксак, адолатпарвар ва халқпарвар инсонлар бугунги Ўзбекистоннинг эртанги кунини белгилаши билан бирга Янги Ренессансга улкан ҳисса қўшишини барчамиз яхши биламиз.

Қалби пок, халқ дари-ташвиши билан ишлаб келадиган маҳалла раислари кўп. Минг афсуски, улар муаммоларни яхши билади-ю, ечимига қийналади. Ҳоким ва ҳокимият олдида кўпгина ишларга ожизлик қилади. Лекин айнан улар ҳақиқий аҳволни ҳаммадан кўп билишади. Эндиликда олимлар, Амир Темур илгари сурган гоҳлар амалда ўз инфодасини топаётгани янгиланаётган Ўзбекистон халқини қувонтириши табиий. Чунки бу ҳақда Олий Мажлисга мурожаатномада «Маҳалла раисларини керак бўлса, ҳоким қилишга ҳам тайёрман», деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Эндиликда маҳаллаларда ишлаётган малакали ва ташаббускор кадрларни давлат идоралари раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими йўлга қўйила-

ди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида маҳалла раислари ва уларнинг ўринбосарларини ҳам тизимли тайёрлаш йўлга қўйилади. Жумладан, Ургант, Шаҳрихонга ўхшаш катта-катта туманларда етти минг, саккиз минг аҳоли яшайдиган маҳаллаларимиз тайёрлаш назарда тутилмоқда. Шарқда энг катта эътибор маҳаллага қаратилган бўлиб, Мурожаатномада маҳалла раислари ваколатлари кенгайтирилиши, туман бюджетининг 15 фоизи маҳалладаги муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши ҳақида ҳам сўз бургани диққатга сазовор.

Яна бир нарсани эъзамак виждон қийналади. Зеро, минг йиллар давомида Ер юзидаги турли минтақаларда яшган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозирдагидек яқин бўлган эмас. Шунингдек, багрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Юртимизда нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалар, балки таъминимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний багрикенглик тамойилларини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу масалага ҳам Мурожаатномада тўхталиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги ватандошларимизни кўлаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ватандошлар” жамғармасини тузиш таклифи берилди. Жамиятда миллатлараро тотувлик ва багрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилади.

Дарҳақиқат, бу йилги Мурожаатнома — Янги Ўзбекистонда Ренессанс пойдевори, дастури сифатида тарихта муҳрланади, десак муболага бўлмади.

Феруза МУҲИДИНОВА,
“Маърифат” тарғиботчиси,
жамияти аъзоси,
Юридик фанлари доктори,
профессор



ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!

Энди маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан курилади.

Инсон маънавиятининг кўзгуси



Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек, китоб беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришининг энг асосий манбаидир. “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”, деган сўзларни бобомиз Амир Темур ҳам таъкидлаган.

Халқимиз тилида китоб ўқиб билим ва муносиб тарбия олиш, касб-хунар ўрганишининг аҳамиятига доир мақоллар жуда кўп. Неча минг йиллардан буён инсонларга тўғри йўлни кўрсатиб келаётган, уларнинг билимли, тарбияли, касб-хунарли ва албатта, бахтли бўлишининг муҳим омили — бу китобга дўст бўлиш, ва китоб ўқишни қанда қилмасликдир. Айниқса, ёшларнинг ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор.

Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат гуйгуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди.

Ортимизда кейинги йилларда шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан китоб ўқишга бўлган эътибор кескин ўзгарди. Метъерий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, одамларда китобхонликка қизиқиш ортди. Бу борада турли танловлар, барча вилоят ва туманларимизда китобхонлик кечалари уюштирилмоқда. Шулар қаторида Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида бўлиб ўтаётган сессияларда ҳокимлар 2020 йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда 2021 йилда Бухоро тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар қаторида китобхонликни тарғиб этиш юзасидан ҳам аҳолига мурожаат қилмоқда.

Нафақат сессияларда, деярли барча тадбирларда раҳбарлар кенг аҳоли вакилларини, айниқса, ёшларни доимий равишда китоб ўқиш, газета муролаа қилишга чор-



ламоқда. Мутасаддилар ўзи тахсил олган мактабларга китоблар улашишмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда билим ва ақл билан иш кўриш, буving учун ҳар бир раҳбар, албатта, китоб ўқиши керак.

Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган бешта муҳим ташаббуснинг тўртинчиси — ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари жойларда вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда “Китоб маркази” — “Китоб дунёси” тармоқ савдо

марказлари томонидан “Энг китобхон мактаб” лойиҳасининг Бухоро вилоятидаги тадбирлари бўлиб ўтди.

Бухоро шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ўтказилган тадбирда шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлими мудирлари, умумтаълим мактаблари директорлари, ташкилотчи муассасалар, ҳуқуқ тартибот идоралари масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Таъкидланганидек, аҳоли ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, бу борадаги ишларнинг кўнгилдаги амалга оширилишига қўйилган бўлган қоронғи пандемияси тўсқинлик қилди. Шундай бўлса-да, айнан карантин даврида фарзандларимизнинг кўнгилдагидек илм олиши, муролаа қилишдан тўхтаб қолмаслиги борасида хайрли ишлар давом этмоқда.

Вилоятимизда бошланган “Энг китобхон мактаб” лойиҳаси ана шундай эзгу ташаббуснинг яққол ифодасидир. Лойиҳа доирасида вилоятдаги 533 та умумтаълим мактабиди тахсил олаётган 323 минг 800 нафардан зиёд ўқувчи, шунингдек, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилар учун китоб



байрамлари ташкил этилиб, ана шу тадбирлар давомида улар сифатли ва мазмунли адабиётлар билан таъминланди.

Аниқроғи, билимга чанқоқ ўғил-қизларимиз ҳамда китобсеварларимиз жорий йилнинг 7 октябрь кунда бошланиб, бугунга қадар давом этган китоб савдо ярмаркалари доирасида 3 минг турдаги 200 мингдан ортиқ китоблар — болалар адабиёти, бадий

си” савдо тармоқ марказлари ёшларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Бухоро вилоятида ҳам илк бор хайрли ишга қўл урди. Чунончи, Когон шаҳридаги 7 сонли умумтаълим мактаби битирувчиси Маржона Абдуллаевага махсус сертификат топширилди. Унга биноан “Китоб маркази — Китоб дунёси” савдо тармоқ марказлари битирувчининг шартнома тўловини амалга оширади ва



ва фанларга оид китоблар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарига эга бўлдилар.

Тадбирда лойиҳа ташаббускори, “Китоб маркази” — “Китоб дунёси” тармоқ савдо марказлари муассиси Шуҳрат Охунжонов лойиҳа кенг қамров ҳосил этгани, пандемия даври бўлишига қарама-қарин, бу жараёнда ҳар бир таълим муассасаси фаол қатнашгани, шаҳар ва туманлардаги Халқ таълими бўлимлари салоҳияти яққол кўзга ташлангани, муҳими, танловнинг аҳамияти, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, бу орқали маънавий-маърифий муҳитни юксалтириш борасида залворли натижаларга эришилётгани ҳақида тўхталиб, вилоят мутасаддиларига ўз миннатдорлигини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, “Китоб маркази — Китоб дунё-

кеलाжда уни доимий иш билан таъминлайди.

Шундан сўнг лойиҳа голибларини тақдирлаш маросими бошланди. Яқунда “Иқтидорли ўқувчи”, “Энг фаол кутубхоначи”, “Фаол мактаб директори”, “Энг фаол ОАВ ходимлари” номинациялари голиблари эълон қилиниб, ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Вилоят доирасида қайд этилган умумий натижаларга кўра, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган туманлар Халқ таълими бўлимлари ҳам алоҳида рағбатлантирилди.

Танловнинг “Энг китобхон Халқ таълими бўлими” номинациясида мутлақ голибликни қўлга киритган Бухоро ҳамда Вобкент туманлари Халқ таълими бўлимларига “NEXIA-3” автомобиллари, “Энг китобхон мактаб” лойиҳаси голиби — Ғиждувон туманидаги 17 сонли умумтаълим мактабига “SPARK” автомобили тантанали равишда топширилди.

Бу каби тадбирлар, рағбатлантиришларни вилоятимизда доимий равишда давом эттириш режалаштирилган. Зеро, китобхон юртнинг фарзандлари билимли бўлади. Фарзандлари билимли юртнинг эса келажаги буюк бўлади.

Бухоро вилояти
ИИБ Ахборот хизмати

КИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!

Гидрогеологик хулоса бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти тасдиқланди.

“Жамият” газетасининг 2021 йил 7 январь сонидаги “Газета сотаман, нос ҳам бор!” мақоласи ўқиб, жуда таъсирландим, беихтиёр болалик йилларимиз ёдимга тушди...

Бугунги авлоддан хавотирдаман

Вазият ва шароитлар катта тезлик билан ўзгаришларга учрамоқда. Ҳар бир янгилик одамларни ўзига жалб қилаверади. Бу эса қай бири кераклиқ эски нарсанинг эътибордан четроққа қолаверишига олиб бо- раверади.

Ҳафталик, ойлик газета ва журналлар сотиладиган матбуот дўконлари ҳақида ёзилган сатрларни ўқиб, булар ҳали ҳам бор экан, деб хурсанд бўлдим. Анчадан буён шаҳарга чиқмаган эдим. Қишлоқда эса бунақа нарсалар илгариги битик қоғозларни ўқишлар кўп замоналарда ҳам йўқ эди.

Болалик, ёшлик чоғларимиздаги газета-журналхонликларимиз ҳаёлимдан ўтди. Почта бўлимимиз қўшни қишлоқда жойлашган. Почтачи Икром бобо эшакда хўржунинг икки кўзини лиқ тўлдириб, ҳафтада икки марта келади, почтани уйма-уй тарқатади. Энг катта шодлик икки ҳафтада бир марта “Муштум”нинг келиши! Бошқа газета журналлар ҳам кўп. “Саодат”, “Фан ва турмуш”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”...

Мен эса уларга қўшимча бир қанча русча на шрлардан ҳам олиб турман: “Труд”, “Аргументы и

факты”, “Техника молодёжи”, Юный техник”...

У вақтлар Ургут тумани қишлоқ хўжалиги асосан тамакичиликка йўналтирилган эди. Қоидага кўра чекиш соғлиққа зарарлигини муштарийларга эслатиб ўтишдан сўнг ногоҳ ҳаёлимга келган фикрни айтгим келдики, инсоннинг шу ножаъиз одадига мувофиқ эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган мазкур экиндан ўша йиллардаги деҳқонларимиз катта-катта даромадлар олар эдилар.

Жамоа хўжалиги табелчиси бўлмиш бир дўстимиз бир кунни биз бир гуруҳ жўраларни ҳашарга айтди: обуна ёзишга! (Хато гапириб қўйдим-а: ё сезмай қолдингизми? Ёшлик



“ Почтачи Икром бобо эшакда хўржунинг икки кўзини лиқ тўлдириб, ҳафтада икки марта келади, почтани уйма-уй тарқатади. Энг катта шодлик икки ҳафтада бир марта “Муштум”нинг келиши! Бошқа газета журналлар ҳам кўп. “Саодат”, “Фан ва турмуш”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”...

Хуллас, ўша “бир” сўзи уч марта тарқорланган гапимдан кейингиси шуки, жамоа хўжалиги аъзолари,

болаларга жиддий ҳолда таъкидлаб айтдим: “Бир гапда бир сўзни бир мартадан ортиқ ишлатиш керак эмас!”

Бирдан бу айтган гапимдан кулгим келди. Ўқувчиларим диққатини унинг мазмунини ва шаклига қаратдим. Ўша вақтлардаги “Муштум”нинг энг қизиқ руқналаридан бири бўлмиш “Бир қайнови ичида гап”!

Кейин эса уни машинка билан ёзиб, конвертга солиб, “Муштум” га жўнатиб юбордим. Чиқди!

“Колхозчилар” тамакидан олган йиллик ҳосил учун ҳақларини олишларидан олдин, хўжалик томонидан обуна қилинарди. Фаоллар уйма-уй юриб сўраб чиқардилар: “Обуна ёзишимиз. Нималарга ёзилмоқчисиз?”

Икки-уч кеча-кундуз табелчи жураминикида меҳмону куюқ зиёфатларидан баҳраманд бўлганча бир гуруҳ собиқ синфдош дўстлар эринмай юзлаб обуна қивтанцияларини битта-битталаб тўлдирдим...

Почтачимиз Икром бобо хўржунинг иккала кўзи ҳар келганда лиқ тўла бўлиши босиси шундан.

Бу ҳам ҳаммаси эмас. Ҳар

сафар туман марказига ёки Самарқанд шаҳрига чиққанда доимо гавжум бўладиган газета-журналлар киоскаларидан ҳам албатта бир даста нарсалар харид қилмасдан қайтмаймиз.

Она тили ва, айниқса, адабиёт муаллимнинг: “Биз болалик ва ёшлик чоғларимизда кўп ўқирдик” қабилдаги гапларига ҳозирги ёшларнинг ишончсиз ва эътиборсизлик билан қарашлари одат тусига кирган эса-да, бу гапим ёлгон эмаслигини асослашга имкон қадар уриниб кўраверман. Диққатни энг кўп жалб қиладиган замон маиший эрмак техникаларидан бири асосан жаҳоннамо эса-да, ҳозиргиларнинг телефонга муносабатидек халқ унга эртаю-кеч ёпишиб олган эмасли.

Ишонмайсиз, биламан, лекин барибир айтаман, ўша Икром бобомиз ҳар ҳафта икки марта олиб келадиган газета журналларни ҳамқишлоқларимиз ҳаммасини эмасдир, лекин кўпларини, севганларни қизиқиб ўқир эдилар. Чунки у вақтлар мавжуд магнитофон, радиоларга кишилар кўпам берилган эмасдилар, телефонга вай фаю интернет тугул, ҳали ҳозирда эскириб, хотираларини қанчалик қўлдан берган видео-нинг дарағи ҳам йўқ эди.

Мен бугун замонавий теле-фондан бошини кўтармайди-ган, эртаю кеч унга термулиб ўтирадиган, гап сўрасангиз, ўта юзаки фикр билдирадиган ёшларимизни ўйлаб қўриб кетяпман. Бу саводсиз, ҳою-ҳавасга, бир лаҳзалик шуҳратга ўч авлод эртага нима бўлади? Давлат томонидан уларга беҳисоб имкониятлар яратилмоқда, ammo бундан фойдаланишни мутлақо ўйламаётган йилгит-қизларимиз, афсуски, жуда кўп. Ана шунисидан хавотирдаман.

Ҳусниддин ФАЙЁЗОВ



чоғларим мактабда ҳам бир кунни шундай бўлган эди. Дарса

Шаҳарни айланинг, ҳар қадамда спиртли ичимликлар сотадиган дўкон, бар... Ялтироқ пештахталарга терилган шишаларни кўриб, кўз қувнаб кетади, худди мени ол, мени ич деб тургандай. Шундай пайтда ароқ сотиб олмаслик, ичмаслик мумкинми-а?

Ўзи бир нарсага ҳеч туншунмайман, ҳамма ароқнинг бугунги кунда келтираётган зарари, касофати ҳақида гапиради-ю, нега шу ўлгурнинг яхши томонини ҳеч ким гапирмайди? Ўзингиз айтинг, ароқсиз зиёфат қийийими? У — дастурхон кўрки, инсоннинг инсонга ҳурмати мана шу қиттай-қиттай билан ўлчанади. Оддий мисол: тўйларда меҳмонларни энг тансиқ таомлар билан сийланг-у, дастурхонга ароқ қўймангчи, маломатлар тағида қолиб кетасиз. Ичкилик дарёдай оқиб

турса, келганлар ҳам “ўша кунни бир яйрадик-да” деб гапириб юришади. Шундай экан, тўйларда ҳар столга эмас, ҳар одам бошига қўйинг ароқни! Ширакайф одамларнинг саҳийли-

“ Шундай экан, ичинг! Маош берилган кун ичинг, кўчада дўстингиз билан учрашганда ичинг. Асабийлашганда, уйдаги бирор жиҳоз бузилиб қолганда, бирор яқинингиз касал бўлганда тагин ичинг. Қўшнингиз фарзандли бўлганда ҳам ичиш эсдан чиқмасин.

ги тутиб қолади, бир-бирига мулозамат қилади, бири ўқириб йиғлай бошласа, бошқаси

Қани олдик, ичамиз!

ёнидаги ўтирганга мушт туширади. Мана сизга ҳам тўй, ҳам кино, ҳам концерт. Пул кетса, кетибди, обрў ёнга қолади. 22 йил итдай ишлаб, ўғил уйлантирдим, тўйда ҳаммани маст қилдим деб керилиб юрасиз. Ичиб, тили айланмай қолганлар эса сўзга чиқиб, сизнинг шаънингизга, келин-куёвга бахтларни тилайверади.

Сўзга чиқиш дегандай, маҳалла мизнинг Фанижон деган раиси бўларди, тўй-базмларда ўзига сўз берилса, албатта Умар Хайёмнинг “май ичсанг, оқил-у доно билан ич” деб бошланувчи рубоийсини ўқирди. Охирида “эзма бўлма, расво бўлма, сикқунича ич” деб ҳамманинг олқишига сазовор бўларди. Ичкилик ичиш ҳам бир санъат,

ичиб олиб, тантанавор нутқлар сўзлаш эса санъатларнинг санъати, аслида. Бу ишни ҳар ким ҳам эплолмайди!

Майли, тўйда ич, байрамда ич, лекин кунда-кунора ичадиган, аллақачон ўзига “алкаш” лақабини олганлар ҳақида нима дейсан деяписизми? Унда эшитинг, одамлар хурсандчиликда ҳам ичади, хафагарчиликда ҳам. Спиртли ичимликларнинг кайфиятни кўтаришдек “хосият”и борлигини биларсиз... Кўп ичган одамнинг мияси қаттиқ таъсирланиб, асаб тизими ишдан чиқади. Асаб тизими ишдан чиққан одам эса на ўзини ўйлайди, на оиласини. Бир шиша учун кун бўйи ишлайди, бир баҳя кўнглини шод этса, елкасида босиб турган ўй-ташвишларни унутса бўлди! Атрофдагиларнинг қандай қарашини, одамларнинг муносабати ўзгариши билан эса иши

Муҳокама

йўқ. Бу уч кунлик дунёда сублим, бебурд, ёлгончи, разил кишига айланмиш, ичиб олиб, кўчаларда думалаш, хотинни дўппослаш, организмнинг азоблашдан ортиқроқ «бахт» борми бу дунёда?!

Шундай экан, ичинг! Маош берилган кун ичинг, кўчада дўстингиз билан учрашганда ичинг. Асабийлашганда, уйдаги бирор жиҳоз бузилиб қолганда, бирор яқинингиз касал бўлганда тагин ичинг. Қўшнингиз фарзандли бўлганда ҳам ичиш эсдан чиқмасин.

Ҳа, айтгандай, мана қараиң, мен буларни ёза олдим, сиз эса ўқидингиз, демек ҳали соғлом эканмиз. Буни ювиш керак, қани олдик, ичамиз!

Шаҳруза САТТОРОВА,
“Жамият” маҳорат
мактаби тингловчиси

КЇСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кредитлар ажратилади.

"Ватан учун кўксим тоғ, қалқондир шаъним"

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида қайд этилганидек, таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни бугунги давр тақозо этмоқда. Бунинг учун Президент ҳузуридоги Хавфсизлик кенгашининг яқинда ўтказилган мажлисида айтилган масалалардаги устувор вазифалар ва амалий чора-тадбирлар белгилаб олингани, Қуроли Кучларимиз ушбу вазифаларни самарали адо этишга киришгани фикримиз тасдиғидир.

Мана шу ишларнинг мантқиқий давоми сифатида Зангиота туманидаги Ахборот коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида Ўзбекистон журналистлари уюшмаси ташаббуси билан 14 январь — "Ватан ҳимоячилари кун" байрамига бағишланган "Қим Ватанга солиқ бўлса, мендирман ўша!" шиори остида медиа-тур бўлиб ўтди.

Ушбу санани муносиб кутиб олиш ҳамда уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, фуқароларимизнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч экани, Миллий Армиямиз билан фахрланиш, давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш бораси-

да жамиятимизда муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу муносабат билан Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди.

— Асосий мақсадимиз маз-

кур фармойиш ижросини таъминлашдан иборат, — дейди Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов. — Тадбирда ҳарбий ватанпарварлик мавзусини ёритишга ихтисослашган марказий ОАВ вакиллари ҳамда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ҳарбий журналистика йўналиши талабалари Тошкент вилояти Зангиота тумани "Қуёшли"



Муаллиф олган суратлар.

қўрғонидати ҳарбий қисм фаолияти билан

яқиндан танишди.

Байрамни муносиб нишонлаш учун ойлик давомда юртимиздаги маданият ва истироҳат боғларида ҳарбий оркестрлар ҳамда бадиий-ҳаваскорлик жамоалари иштирокида "Армия — ёшлар нигоҳида" шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари, ноанъанавий "флешмоб"лар ўтказилмоқда. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва институт талабалари ота-оналари билан "Менинг фарзандим юрт ҳимоячиси" ва "Армиянинг илгори — маҳалламиз ифтихори" мавзуларида онлайн маънавий-маърифий тадбирлар, кўшинлар кўмондонлари раҳбарлигида ёшлар билан "Вилоятдаги тенгдошим" видеомулоқот учрашувларини ташкиллаштириш вазифаси қўйилган.

Айни пайтда Ахборот коммуникация технологиялари ва

алоқа ҳарбий институти 10 та йўналиш бўйича курсантларга таълим бермоқда. Институтда курсантларнинг таълим-тарбия олиши ва машғулот ўташи учун барча шарт-шароитларнинг мужассамлигига курсантлар билан мулоқотимиз чоғида амин бўлдик. Тадбирда сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустақкам қалқони бўлган армиямиз ҳар жиҳатдан ҳеч қимдан кам эмаслигини 2020 йилги Халқаро армия уйинларида умумжамоа ҳисобида фахрли 3 ўринни эгаллаганида кўриш мумкинлиги эътироф этилди.

— Осийшталликдек олий неъматни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди мудатли ҳарбий хизматчи Темур Алибоев. — Ёшлигимда аскар акаларимни кўриб, Ватан ҳимоячиси бўлишни орзу қилдим. Мака табада ўқиб юрган чоғларимда ўқитувчимиз келажакда қайси касб эгаси бўласан, деганида ҳар доим ҳарбий бўламан дердим. Мен қатори бир неча ўртоқларим ҳам ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Мактабдан қайтаётганимизда ҳарбийларча қадам ташлардик. Бугун орзуларим секин-секин ушалапти. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида барча машғулотларни тўлиқ бажаришга ҳаракат қиляпман. Йигитлик бурчимизни бажаришда доимо Ватанимиз учун кўксимиз тоғ, шаънимиз қалқондир!

Муроджон РАҲМАТОВ,
"Жамият" маҳорат мактаби тингловчиси

Хона шовқинга тўлган. Барча ўзини ҳақ билиб, бошқага сўз бермаяпти. Ҳамма ўз гуруҳининг тарафини олишда давом этмоқда. Шу пайт гуруҳимизда ҳаммага кулиб, ҳазиллар қиладиган сардоримиз Азамат ака турди-ю, жиддий оҳангда сўзлай кетди:

"Тўғриси айтсам, гуруҳларимиз орасига ким нифоқ солганини билмадим-у, лекин менга ҳам бир неча ой олдин бир талаба "306"дан ажралалик. Улар билан тадбирларда кўпайиб кетяпмиз, шундан тартибсиз бўляпти", деганди. Ўша сўзларни айтган одамнинг ўзига яхши гапирсам-да, бироқ уни мен ич-ичимдан ёмон сўзлар билан анчагина ҳақоратлаганимни ҳам яширмайман", деди худди бу ишдан фахрлангандек.

Устоз: "Очқ галлашмоқчи эдик-ку, ўша ким эди?" Азамат ака яна ҳеч қандай хижолатсиз «Малика», деб жавоб берди. Бу исм мени ҳайратда қолдирди. Сабаби Маликанинг кўнглида ҳеч кимга нисбатан ёмонлиги йўқлиги, бегуборлиги менга маълум эди. Балки бу сўзларни у бошқача маънода айтгандир-у, Азамат унинг гапларини нотўғри тушунгандир. Афсуски, Малика ҳозир орамизда йўқ. У ҳақида нималар гапираётганидан ҳам бехабар...

Жанжал ҳам тугади. Ҳаммаси ўз изига тушиб кетди. Бироқ шу кун курсдошларимнинг, айниқса, Азамат ақанинг ҳақиқий юзини кўрдим. Доимо Маликага ширин сўзлар айтиб, унга мақтовлар ёғдирадиган Азамат бутун у йўғида уни ҳақоратлагандим, деб барчага айтиб турибди. Шундан бери бир савол мени қийнаб келади, у шу гапларини Маликанинг борлигида ҳам айта олармиди? Энг қизиғи, эртаси кундан Азамат Маликага яна ўша хушомадгўйлигида давом этди.

Бу ўзим гувоҳ бўлган биргина оддий воқеа, бироқ бунинг замирида нима демоқчи бўлганимни аллақон фаҳмлаган бўлсангиз керак? Менинг назимда, юқоридаги ҳолат иккиюзламачилкнинг бошланмаси. Бироқ иллатнинг ҳар қандай кўриниши атрофдагиларга бирдай зарар келтириши аниқ. Наҳот, коинот гултожи бўлиб яратилган инсон шундай залолатга юз тутаетган бўлса? Наҳот, бир-бирларига кулиб туриб, ортидан пичоқ урса? Ахир, тил ва дил бирлиги башариётнинг энг гўзал фазилати, қалб роҳати ҳисоб-

Аслини кўриш кўрқинчли экан

ланмайдими? Одамнинг айбини юзига айтмасдан, мақтовлар билан юқориларга кўтариб, у йўғида хатоларини бошқаларга ошқора этиш разилликдан далолат эмасми?!

Риёкорлик дилни эгалласа, тил фақат ширин сўзлару ёлғонлардан иборат бўлиб қолади. Ланганбардорлик қийин иш эмас, у барчанинг қўлидан келиши аниқ, бироқ фақатгина олийжаноб кишиларгина чин кўнглидан айбларни очқ айтиш, самимий муносабат қилишнинг улдасидан чиқа олади деб ўйлайман. Улуг сўз санъаткори Саъдий Шерозий ҳам бундай хушомадгўй кимсалардан узоқ туриш ҳақида шундай мисраларни битган:

*Ишонмагил маддоҳ, сўзамолларга
Биргина наф учун сени мадҳ этар.
Бирор кун муродни ҳосил этмасанг,
Икки юздан ортиқ айб санаб кетар.*

Баъзилар: «Иш битиши учун ёмон кўрган одамнинг ҳам мақтаб, унга ширин муомала қиласан-да», дея норозилик билдиришлари мумкин. Аммо бирор наф учун риёкорликка юз тутиш, кишини охири муттаҳамга айлантириб

қўяди. Хусусан, ҳадиси шарифларда ҳам бу иллатни ўзларига одат қилиб олганлар қаттиқ қораланади: "Аммор ибн Ёсир (р.а)дан ривоят қилинишича, "Расулulloҳ (с.а.в): "Одамларнинг ёмонларидан бири иккиюзламачисидир, буларга бир юзи билан борса, улар-

"Доимо Маликага ширин сўзлар айтиб, унга мақтовлар ёғдирадиган Азамат бугун у йўғида уни ҳақоратлагандим, деб барчага айтиб турибди. Шундан бери бир савол мени қийнаб келади..."

га бошқа юзи билан келади", дедилар". Ростгўйлик, самимийлик умримизни гўзал ва беҳавотир онлар билан безайдиган фазилат. Аммо қалб қумқини иккиюзламачилик қўлига топширсак, умр сўнгида ҳаётимизни фақатгина ёлғон билан тўлдирганимизни кўрамиз, холос. Зеро, дил дунёимизга шундай бегона иллатлар кириб боришига йўл қўймадик барчамизнинг инсонийлик бурчимиз.

Моҳия ТОПИЛОВА,
"Жамият" маҳорат мактаби тингловчиси



**ҚИСКА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!**

Олис ҳудудлардаги ишга жалб қилинган малакали мутахассисларга ҳар ойлик компенсация тўланади.

Саодатга эришишнинг тўрт калити

1998 йили хизмат юзасидан Европанинг энг катта аэропортига эга Амстердам шаҳридан самолётда Тошкентга қараб парвоз қилдим. Чиптада ёзилган жойга ўтириб, не кўз билан кўрайки, ҳамроҳим юзидан нур ёғилиб турган, лаблари сал жилмайиб, менга кўзойнак тагидан катта-катта кўзлари билан эътиборли қараб турган профессор Омонулла Файзуллаев экан. Рости ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдим.

Кўринишидан басавлат ва мағрур бу инсон ниҳоятда дилкаш ҳамсухбат экан. Лекин, бу сафар салкам 8 минг километр масофа қандай тез ўтганлигини ҳам сезмай қолибман. Профессор Омонулла Файзуллаев нафақат илмда, балки у киши бой ҳаётий тажрибаларда ҳам ўта билимдон профессионал мутахассис эканликлари яна бир бор гувоҳ бўлдим. Менимча улар билмайдиган соҳанинг ўзи йўқ эди. Тарих дейсизми, адабиёт ва санъат дейсизми, олимлар ҳаёти-ю, сиёсатдонлар тақдирига, ҳамма-ҳамма нарсадан хабардор эканлар.

Ўшанда ёнимда ўтириб, том маънода улкан қомусий олим билан жонли суҳбат қураётганлигимдан беҳал хурсанд эдим.

— Баҳодиржон, мана сиз иқтисодчи олимсиз, қани айтингчи, “антииктисодиёт” нима? — деб, қутилмаганда сўраб қолдилар. Тўғриси, у кишининг диққат-билан қараб турган кўзларига қараб, очиги, бироз довдираб қолдим.

— Айтинг-чи домла, Сиз бу саволни қандай маънода бердингиз? — деб ўйлаш учун вақтни ютмоқчи бўлдим.

— Тасаввур қилинг, — деб давом этдилар домла, — оламда ҳамма нарсанинг ўз қарама-қарши томони бўлади. Таъсирнинг акс таъсири, мусбат заррачанинг манфий заррачаси, электроннинг позитрони, дунёнинг анти дунёси, яхшилик билан ёвузлик, ёшлик билан қарилик, ишлаб чиқариш билан истеъмол, хуллас, дунёда ҳамма нарсада ўз антиподи бор. Шу маънода иқтисод тараққийида қарама-қарши таъсир қилувчи анти иқтисодиёт ҳам бўладики, деб сиздан сўрадим. Масалан, миллий иқтисодиёт ва хуфёна иқтисодиёт, иқтисодий жараёнларни профессионал даражада бошқариш ва ҳаваскорлик даражасида бошқариш, сиёсий ноиқтисодий кучларнинг иқтисодиётга салбий таъсири, булар барчаси иқтисодий тараққийни орқага тортувчи омиллар эмасми?

Бу фикрлар менинг профессионал иқтисодчи сифатида ҳозирги замон иқтисодий тенденциялар ҳақидаги тасаввуримга бошқача нуқтаи

назардан қарашимга йўл очди. Ҳақиқатдан ҳам бозор иқтисодиёти жараёнлари тараққийида қарама-қаршиликларнинг, бешафқат зиддиятларнинг давлатимиз иқтисодий ривожланишига салбий таъсирлари мавжуд. Иқтисодий муаммоларнинг илдирида бизнинг ана шу зиддиятларни ўз вақтида ҳисобга олишимиз, иқтисодий қонуниятларни ўрганиб, уларни амалиётга татбиқ этишдан олдин фалсафий методологияни татбиқ эта олишимиз қанчалик ўшанда ва ҳозирги замонда сиёсий-иқтисодий шароитларда муҳим ва долзарб эканлигини тушуниш мумкин. Омонулла Файзуллаев иқтисодий жараёнларни ўрганишга нафақат диалектик қонуниятларни, балки замонавий синергетик қонуниятларни ҳам татбиқ этиш лозимлигини тушунтирдилар. “Чунки, — деб давом эттирди устоз, — ҳозирги иқтисодий тизим шундай мураккаб тузилганки, у авваламбор но-чиқиқли системасидир, унинг соҳалари айна пайтда

бир-бирига чирмашиб, шу пайтнинг ўзида бир-бирдан узоқлашиб ҳар хил йўналишларга тармоқланиб кетаяпти. Қайси маънода қатъий тартиблик, қайси маънода бетартиблик ҳукмронлик қилаётганлигини тўғри ажрата олишимиз ва қайси тартиб қандай оқибатга олиб бориши мумкинлигини олдиндан башорат қила олиш, ривожланиб бораётган жамиятимизда мавжуд муаммоларнинг тўғри ечимини беради. Давлатимиз яқин тарихида босиб ўтган бозор иқтисодига ўтishi тамойиллари қанчалик ўринли ва асосли эканлигини ҳаёт ўзи сарҳисоб қилиб баҳолайди. Барча иқти-

содий тармоқлар қўшма фаолияти ва уларни ўرғанувчи махсус фанлар ҳам бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлангандир. Барчасининг ҳар кунлик фаолиятида микро иқтисодиёт ҳам макро иқтисодиёт механизми самарали амал қилаётгани, ёки бир — бирига зидми, деган тушунча бошқарув тизимининг бугунги ва эртанги кун тартибини белгилашда муҳим иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий роль ўйнаши сўзсиздир. Менинг назаримда иқтисодий системани яхлит жараён сифатида олиб, унга комплекс ёндашиш бугунги ва эртанги куннинг ўта долзарб вазифасидир.

Мен Омонулла Файзуллаевдан Англия таассуротлари ҳақида сўрадим. Улар бугунги Англиянинг ҳам табиий, ҳам мафзуравий, ҳам маърифий манзаралари ҳақида тўлиб-то-

“ — Баҳодиржон, мана сиз иқтисодчи олимсиз, қани айтингчи, “анти-иктисодиёт” нима? — деб, қутилмаганда сўраб қолдилар.

шиб ҳикоя қилдилар. Англия кўҳна дунёнинг классик намунаси. Қаранг, дунёнинг энг қимматбаҳо осору атиқалари ҳам, шон-шўҳрати-ю, бойликлари ҳам, интеллектуал ва ин-формацион имкониятлари ҳам айна шу Англияда тўпланган. Чунки, тарих тақозоси билан шимол ва жануб, шарқ ва ғарб ривожланиш жараёнидаги қарама-қаршилигининг оқибатида, ши-

мо л жануб устидан, ғарб шарқ устидан галаба қилди ва ер юзининг барча бойликлари шимол ва ғарб тимсоли Англия қўлига ўтди. Шу сабабли буюк теурийлар империясидан қолган энг қимматбаҳо буюмлар ҳам, қадимий Миср, гўзал Ҳиндистон ва Буюк Хитойнинг, Япония ва Корейнинг, Индонезия ва Малайзиянинг бир томондан, Африка ва Осиёнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондирувчи барча мулклари колония хўжайинлари қўлига ўтган. Бу макон ханузгача энг бой давлатлар қаторидан жой эгаллаб, имкониятлари кенг мамлакатга айланган. Шарқ алломалари ёзган энг сара ва ноёб асарларнинг асл нусхалари ҳам, ҳас-

сос санъаткорларнинг бутун дунёни ҳайратга солувчи миниатюра суратлари ҳам бугун шу Англия кутубхоналарида сақланаётгани бежиз эмас. Бугунги тараққий этган дунё Англия билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориши, у билан ҳисоблашиши лозимлиги сезилиб турибди. Хуллас, Англияни ҳозирги дунёнинг устунларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, иш юритиш мақсадга мувофиқ, деган фикрни устоз ўртага ташладилар. Бу борада менинг суҳбатдошим, Англияда ўзининг аждодларининг қадимги вакили Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий (1144-1234) ва унинг қўлёзмалари, хусусан “Авориф ул маориф” асари ва шу қўлёзмаларнинг инглизча таржималари билан танишганлигини, ўша асардан фотонусхалар олганлигини тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб бердилар.

Устоз Омонулла Файзуллаев менга қараб: “Баҳодиржон! Мана Сиз зиёли одамсиз. Ўзингиз хулоса қилиб кўринг.

Бизнинг буюк аждодларимиз биз учун ёзиб қолдирган қўлёзмаларни нима учун ўша замонларда инглизлар ўзларига олиб кетиб, ўз авлодларига ўқитиб таништирган-у, биз бўлсак бу ноёб манбалардан шунча давр беҳабар қолиб юрибмиз? Натигида, юз йиллаб Кўқон хонлиги, Бухоро Амирлиги ва Хоразм шоҳлари бир — бирига қилич кўтариб, ўз халқини қашшоқлик жарига олиб

Ҳақиқатдан ҳам устознинг биз ёшроқ авлод олимларига асосли эътирозлари борлиги ҳар бир гапида шундоққина сезилиб турарди.

Ўйлаб қарасам, жамиятимизнинг ижтимоий тараққийи йўлида мавжуд айрим элатлар: порохўрлик, лавозим суи-стеъмолликлари, таниш-билишлик, қариндош-уруғлик, маҳаллийчиликнинг негизида билимсизлик, мутахасссларнинг профессионал даражаси сустлиги, ҳуқуқий саводсизлик, олимларимизнинг бу иллатларга ўта бефарқлиги ётибди десак, муболага бўлмайди. Албатта, жамият ва иқтисодиёт тараққийи ёти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён. Иккала жараён ҳам инсон ўрни беқийсдир. Ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш соҳаларини самарали ташкил этиш, махсулотни сифатли ишлаб чиқиш, уларни адолатли тақсимлаш ва юқори маданиятда истеъмол қилиш жараёнларининг барча бўғинлари инсоннинг заковатига, унинг муносиб шароитда яшаш, ҳамда инсонга муносиб маош ва даромад олиш учун муносиб меҳнат шароитларини мавжудлиги унинг меҳнат фаолиятига бевосита боелиқдир.

Машҳур тасаввуф шайхи, шоир ва олим Абдуллоҳ Ансорий ўзининг “Туҳфат ул-мулук” асарининг ўн иккинчи бобида шундай деб ёзган экан: “Тўрт нарсая саодат калитидир: пок наслу насаб, пок қалб, пок қўл, пок фикру вуҷуд.” Юқорида зикр этилган саодат калити айна улғу зот Омонулла Файзуллаев домланинг бебаҳо фикр ва сўзларига ҳамда фуқаролик матонатига мос ёзилган деб тушунаман. Бундан келиб чиқиб,

қани энди давлатимиздаги ҳар бир олим, ҳар бир ёш тадқиқотчи, ҳар бир катта-кичик раҳбар, худди устоздек беқийс билим эгаси бўлса-ю ва бутун умрини давлатимиз келажиги ва жамиятимиз равнақи учун бор билимини аямай, илм-фандаги, жамиятдаги ва иқтисодиётдаги муаммоларни тўғри тушуниб, тўғри талқин қилиб, тўғри ечимини топа олса эди. Нур устига аъло нур бўларди. Сиз ҳам қадрили дўстларим, худди Омонулла Файзуллаевдек илм-фаннинг мармар тошларини ғажиб, майдалаб қум қилиб ташлаверинг! Шунга яхши билингки, ўша мармар тошлару-қумлардан жонажон диёримиз — Ўзбекистонимизнинг пойдевори қад кўтарайди, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун имкон яратилади.

Б.УМУРЗОҚОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

Прокурорларнинг барча иқтисодий суд мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи бекор қилинди.

КИСКА
САТРАДАРДА
ЎҚИҲ!

2000 йил август ойида мамлакатимизнинг жанубий чегараларини бузиб киришга уринган қабиҳ ниятли тўдага қарши курашда ўз жонини фидо қилганлар орасида сурхондарёлик сержант Муҳиддин Эштемиров ҳам бор эди.

Юртимиз осойишталиги, халқимиз тинчлигига кўз олайтирган ганимлар билан олишувда Муҳиддин Эштемиров ва унинг бир қатор қуролдошлари Ватан ҳимояси учун кўксини қалқон қилганди. Орадан йигирма йил ўтган бўлса-да, бугунги осуда ҳаётимиз учун ҳалок бўлганлар хотираси такрор ва такрор ёдга олинади.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи тасарруфидаги Термиз гарнизони ҳарбий хизматчилари 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунин олди-



Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов Манзура аяга таскин бериб, Муҳиддин Эштемиров каби ўғлонларнинг жасорати ҳамиша ёшлар учун

мардлик намунаси бўлишини таъкидлади. Манзура аянинг хотиралари асосида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг ҳарбий хизматчилар ўзлари билан олиб келган совғаларни хонадон эгасига топширдилар. Ўз навбатида, Манзура ая Диллаева кўрсатилган гамхўрликлар ва эътибор учун миннатдорчилик билдириб, юртимиз тинч-осойишта бўлишини тилаб, дуо қилди.

Алишер АГЗАМОВ,
Подполковник



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир хайъати:

Рустам Комилов
Борий Алихоннов
Акмал Саидов
Раҳмат Мамаатов
Нуриддин Убайдуллаев
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ақтам Ҳайитов
Адҳам Икромов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-108
Адади: 1595.
Пайшанба кунин чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Маъсуда Ёқубова

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА Якуни:
Топширилган вақти: 17:25
1 2 3 4 5 6

БИЗНИ
BONG.UZ
Сайтида кузатиб боринг!

“Ўғлимни ҳамиша тирик кўраман!”

Меҳр тафти

Ота-она вужудимиз меъмори бўлса, устозлар руҳиятимиз муҳандисларидир. Устоз — бизнинг униб-ўсишимиз, камолотга эришувимиз, илм-маърифат чўққиларини забт этишимизда энг яқин ҳамроҳ. Улар кўз нурини, қалб кўрини шогирдлар учун сарф этади: ютуқларидан қувонади, ташвишларидан қуянади. Меҳри қуёш янглиғ иссиқ, юзидан нур ёғилиб турувчи ана шундай устоз-мураббийлар юртимизда сон-саноқсиз.

ликни доимо ўқтириб келганлар.

Таълим-тарбияда ўқитувчи-мураббийларнинг педагогик маҳоратини мукаммал эгаллаши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу боис жаҳоннинг барча олий ўқув юртиларида бу масалага алоҳида ёндашув амалга оширилмоқда. Мураббийлик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзини тартибга солиш зарур. Устозимнинг бу каби фикрларига келгуси фаолиятимда алоҳида эътибор қаратиб келмоқдаман.

Ҳозир жуда тез ўзгариб-ган замонда яшашимиз. Аммо устоз-шогирдликнинг мазмун ва моҳияти мумтоз қадрият сифатида ўзгармасдан келмоқда. Устоз инсон маънавиятининг меъмори. Ана шунини унутмаган ҳолда талабаларга устоз яратган мактабни давом эттирмоқдаман. Самимий мураббийимдан олган билимларим, ўғитларимни талабаларга ўргатмоқдаман.

Устоз, жойингиз жаннатда бўлсин, берган илмингиз, ўғитларингиз, насиҳатларингизга абадий содиқимиз.

Нигора МУСАЕВА,
Ўзбекистон миллий университети геология ва геоинформацион тизимлар факультети ўқитувчиси

“Яхши тақлиф” қурбони

Сўнгги пайтларда аёлларнинг ўз фарзандини пул эвазига сотиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Жумладан, Сирдарё вилояти ИИБ ходимлари томонидан фош этилган жиноят ҳам 1992 йилда туғилган Шаҳзода-нинг афсус-надоматларига сабаб бўлди.

Фаргона вилояти Бағдод тумани Чуваланчи МФЙда доимий рўйхатда турган Шаҳзода-нинг биринчи турмуши ўхшамасди, аммо биринчи турмушдан бир ўғил фарзанд кўрди. Шундан сўнг у йўқотилган бахтни қайта топиш учун иккинчи марта турмуш қурди. Бироқ у билан эргашиб келган ўғлига янги ота меҳр беролмади ва оиладаги ички низолар сабаб навбатдаги уйга ҳам сиемади.

Энди кун кечириб мақсадида Шаҳзода Тошкентда ёлланма ишчи бўлиб ишлай бошлади-ю ҳомиладор эканлигини билгач, кўнглига гулгула тушди. Ахир янги меҳмонни ҳам сдириш, ичириш, кейдириш керак эди-да.

У иккинчи турмуш ўртоғи Иқболжонга бу ҳақида айтганди, унга болани олдириб ташлашни маслаҳат берди. Аммо энди бунга кеч эди.

Шаҳзода тикувчилик фабрикасида бирга ишлаётган дугонаси Дилдорлага кўнгли ёрди-ю шунда дугонасининг йигити “яхши тақлиф” айтиб қолди: “Мен бир ҳожи ота ва ҳожи оналарни биламан, уларнинг келини анча йиллардан буён фарздондир, ўша аёл туғилганидан чақалоқни асраб олиши мумкин!”.

Ўша ҳолатбарор йигит кунларнинг бирида Шаҳзода-нинг олдига гулистонлик Гулнора исмли аёлни бошлаб келди. Аёл туғилажак болани ўз боласидек вояга етказишини айтиб, саросимадаги онани тинчлантирди.

Йиллар мобойнида ёлғиз ўғли билан қийинчилик кўрган аёл, ота-онаси билан чиқишолмай унинг қаноғи остида кун кечираётган укаси ва келинига ҳам гамхўрлик қиларди. Маълумки бунинг учун ўзига яраша сармоя зарур ҳамда муқим жой қилиш мақсадида “харидорлар”дан 10 минг 200 АҚШ доллари олишга, бу пулга эса бир хонали бўлса-да, уй олишга қарор қилди.

Бу янгиликдан хабар топган Гулнора ёш жувоннинг жиноят кўчасига қираётганини сезгач, бу ҳақида тегишли органларни огоҳлантиришни фуқаролик бурчи деб билди. Шу тариқа жиноятни фош этиш талбири ўтказилди. Гулнора опанинг турмуш ўртоғи ролини вилоят ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши кураш бошқармаси катта тезкор вакили Ботир Ҳўжаков моҳирона ижро этди.

Шаҳзода бир томондан ишонувчанликнинг қурбони бўлган бўлса, бошқа тарафдан бола Гулистон шаҳрида жойлашган “Болалар уйи”га топширилди.

Қабиҳ ишга қўл урган онага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖК-нинг 57-моддасига кўра, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шухрат ИСМОИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Боевўт тумани суди раиси,
Умрўқ ҒАФФОРОВ,
истеъфодаги катта сержант

Эълон
Бувабекова Насиба Абдинабиевнага 1994 йилда Тошкент Давлат техника институти томонидан берилган № 056815 рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИҲ!

Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси жорий этилади.



JOINT STOCK COMPANY
QO'QON BIOKIMYO
AKTIYADORLIK JAMIYATI

“QO'QON BIOKIMYO” AJ ЖАМОАСИ

**юртдошларимизни “Ватан
ҳимоячилари куни” билан самимий
қутлайди.**

**Сарҳадимиз посбонлари,
Ватанимиз қўрғонларининг
шижоати янада баланд,
ўзига бўлган ишончи бундан-да
юксак бўлсин!**

**Чегараларимиз мустаҳкам,
халқимиз осойишта ҳаёт
кечиришига замин бўлган
ҳарбийларимизнинг касб байрами
муборак бўлсин!**



**ҚИСКА
САТРАРДА
УҚИҲ!**

2021 йил 1 мартдан таълим сифати паст мактабларда дарс бериш учун бошқа худудлардан жалб қилинган ўқитувчиларга махсус устамалар берилади.